



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 24 август, № 175 (8518)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Озарбайжонга давлат ташрифининг иккинчи кун рафиқаси билан бирга Фузулий шахрига келди.

Олий мартабали меҳмонларни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси кутиб олди.

Шаҳар буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Муҳаммад Фузулий

шарафига номланган. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача Фузулий туманида саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган. Бу ерда кутубхоналар, маданият уйлари, музейлар, театрлар, боғлар ва бошқа маданий объектлар фаолият юритган.

Ўтган қарийб 30 йилда Фузулий буткул вайрон бўлиб, "арвоқ шаҳар"га айланган эди. Ҳарбий

ҳаракатларга қадар бу ерда 18 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилган.

2020 йилда қайта тиклаш ишлари бошлангач, шаҳарга аста-секин ҳаёт қайтмоқда. Уй-жойлар қурилиб, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси бунёд этилмоқда.

Ушбу муҳим ва оғир паллада Ўзбекистон Озарбайжон билан бир-

га. Зеро, халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг илдизлари узоқ ўтмишга эга. Бизларни бир дин, тил ва анъаналар, маънавий қадриятлар ва маданият муштараклиги бирлаштириб туради.

Мустаҳкам дўстлик ва биродарлик ифодаси сифатида мамлакатимиз етакчиси 2021 йил 31 март куни бўлиб ўтган Туркий кенгашининг норасмий саммитида Ўзбекистон Қорабоғ заминидagi ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканларини қайта тиклашга ўз хиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлаган эди.

Фузулий шахрида 960 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурилиши Президентимиз ташаббусининг амалий ифодаси бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги 1-сонли мактабда 40 та синфхона, 6 та лаборатория, 2 та информатика хонаси, 5 та функционал ўқув хонаси, мажлис ва спорт заллари, ошхона, кутубхона мавжуд. Футбол майдони, дам олиш ва тадбирлар ўтказиш учун жойлар ташкил қилинган.

Янги мактаб халқларимизни янада яқинлаштириш, ўсиб келаётган озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюк аجدларимизнинг меросига ошно бўлишга хизмат қиладди.

Икки мамлакат етакчилари рафиқалари билан бирга рамзий тасмани кесиб, мактабни тантанали равишда очдилар.

Президентлар ўқув бинолари ва мактаб ҳудуди билан танишиб,

ўқувчилар билан самимий суҳбатлашдилар, уларга ўқишда муваффақият тиладилар.

Сўнг давлат раҳбарлари Фузулий шахрида барпо этилаётган уй-жой мажмуасига ташриф буюрдилар. Президентлар мажмуадаги хонадон эгалари билан учрашдилар. Давлатимиз раҳбари уларни янги уйли бўлгани билан табриқлади.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва қардошлик алоқалари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимиз етакчиси Фузулийда ҳаёт барқарор ҳолатга қайтаётганидан мамнулигини билдирди. Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғни қайта тиклаш ва ривожлантириш, аҳолининг фаровон турмуши учун қўлай шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади. Озарбайжон халқига тинчлик, осойишталик ва раванқ тилади.

Давлат раҳбарлари янги хонадонларни кириб кўрдилар. Сўнг етакчилар баланликдан туриб вайронагарчилик оқибатларини ва қурилиш жараёнини кузатдилар. Президентимизга Фузулий шахрини қайта тиклаш режалари ҳақида маълумот берилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси ҳамроҳлигида Шуша шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Шуша "Қорабоғ дурдонаси", "Кавказ санъати маркази" ва "Озарбайжон мусикаси бешиги" номлари билан маълум. Шаҳар бир қатор та-

ниқли фан, маданият ва санъат арбоблари ватанидир.

2021 йилдан буён Шуша Озарбайжоннинг маданий пойтахти ҳисобланади, 2023 йилда эса туркий дунё маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Жорий йилда Хива шаҳри ва Шуша шаҳри ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Олий мартабали меҳмонлар шаҳар билан танишувни 1883 йилда барпо этилган Соатли масжидидан бошладилар.

Сўнг Озарбайжон умуммиллий етакчисининг юз йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган "Ҳайдар Алиев ва Қорабоғ" фотоқўрагмаси билан танишилди.

Шушанинг бош майдонига ташриф буюрилди. Бу ерда Озарбайжон маданиятининг атоқли арбоблари — Хуршидабону Нотавон, Булбул, Узейир Хожибейли бюстлари ўрнатилган.

Ўзбекистон томони катта қизиқиш билан шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаб келган "Хон қизи" булоғи, Озарбайжоннинг таниқли санъат арбоби Булбулнинг уй-музеи, "Меҳмондорлов уйи" меъморий ёдгорлиги ҳамда ўтмишда от-чопарлар ўртасида мусобақалар ўтказилган машҳур Жидир текислиги билан танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сенат ялпи мажлиси олдиан

МАСАЛАЛАР ДАСТАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ

Бугун ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис Сенатининг қирқ тўртинчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар кўриб чиқиши режалаштирилган. Кеча бўлиб ўтган парламент юқори палатаси кўмиталари йиғилишларида эса мазкур масалалар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.

Аҳоли мурожаатларига қай даражада эътибор қаратилмоқда?

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси мажлисида дастлаб "Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида"ги қонунга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ушбу қонунда асосий тушунчаларнинг, яъни биологик химоя ва кимёлаштириш воситалари, зарарли организмлар, минерал ўғитлар, пестицидлар, фитосанитария тадбирлари, ўсимликларни муҳофаза қилиш ва

химоя воситалари мазмун-моҳияти очиб берилган. Ўсимликлар муҳофазаси бўйича давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари аниқ белгиланган. Айни чоғда кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳамда улар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга оширишга доир талаблар ҳам назарда тутилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўртинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўртинчи ялпи мажлиси бугун — 2023 йил 24 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлисни видеоконференцалоқа тарзида ўтказиш режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Дунё нигоҳи

ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Президентининг 22-23 август кунлари Озарбайжонга давлат ташрифи якунлари икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлини тасдиқлади. Ушбу фикрни давлатимиз раҳбари ташрифи якунларини шарҳлаётган халқаро экспертлар ҳамжамияти ҳам таъкидламоқда.

КИМ Дэ Сик, Чонбук халқаро ҳамкорлик агентлиги бош котиби, Корея Республикасининг Қозоғистондаги собиқ элчиси:

— Ўзбекистон Президентининг сайловдан кейин Озарбайжонга илк давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган икки томонлама музокаралар ҳамда имзоланган мус-

тахкам ҳужжатлар тўплами икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама ҳамкорликнинг

юқори даражаси, замонавий қақриқлар бўйича умумий манфаатлар ва қарашлар, яқинлашувга ўзаро интилиш ҳамда муаммолар масалаларнинг йўқлиги икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончнинг юксак даражада мустаҳкамланганидан далолат беради.



Давра суҳбати

ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигига бағишлаб "Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат йўли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов очиб бераркан, мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳада эришилган ютуқлар ҳақида тўхталди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги еттинчи асосий устувор

йўналишда белгиланган мамлакатимизнинг очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришга доир муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, парламент дипломатиясини амалга оширишда миллий манфаатларни илгари суриш ва уларни химоя қилиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.



«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси

ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИГА МОС РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ



Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнида ҳар бир соҳада фаолият қўламини янги, замонавий мезонлар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш бугунги кун талабидир. Айниқса, истиқболни белгилашда бу каби омилларни инобатга олиб фаолиятга янги иш услубларини кенг татбиқ этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириш, рақобатдошлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни жараёнда миллий илмий-техникавий ишланмалар ва халқаро илғор технологияларни амалиётда қўллаш, инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини кучайтириш устувор вазифалар сирасига киритилган.



ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ



Хар икки давлат улкан иқтисодий ва ресурслар салоҳиятига эга, республикаларнинг иқтисодиёти барқарор ривожланиб бормоқда. Бу автомобилсозлик, металлургия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик sanoati, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратмоқда.

Мен икки давлат раҳбарларининг янги логистика занжирларини биргаликда ривожлантириш, инфраструктурани қуриш ва Урта коридор бўйлаб юк ташишни кўпайтириш каби стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги қарашлари ва келишувларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман, бу эса, ўз навбатида, ўзаро савдонинг бир неча бор ўсишига ёрдам беради.

Кароль Бюро-БОННАР,
Франция Миллий Ассамблеясининг собиқ депутати:



— Ушбу ташриф Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги

босқичга олиб чиқади. У ўзаро манфаатли алоқаларни фаоллаштиришга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, мазкур ташриф ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳасида шерикликни мустаҳкамлаш имкониятидир. Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларда сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, Озарбайжон — Ўзбекистон Инвестиция жамғармасининг ташкил этилиши иқтисодий шерикликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади, сармоявий

фаолликни рағбатлантиради.

Ўз навбатида, Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодиётни либераллаштириш, бизнес юритиш ва сармоявий ҳамкорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли тобора истиқболли иқтисодий ҳамкорга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги маданий-гуманитар шериклик ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Икки давлат ўртасидаги тарихий алоқалар маданий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хосе Мария ЧИКИЙО,
ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли» халқаро дастури президенти, Испания
Халқ партиясидан депутатлар Конгрессининг собиқ аъзоси:

— Шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бағишлайди ҳамда кенг қамровли дўстона мулоқотни ривожлантириш учун барча имкониятни кенгайтиради.

Ташрифнинг иқтисодий жиҳатлари ҳақида гапирганда, шуни таъкидлашни истардимки, ҳозирги пайтда халқаро майдонда чекловлар кўчмай бораётган бир пайтда энергетика, машинасозлик, металлургия, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон sanoati, тўқимачилик, пиллачилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа стратегик соҳаларда савдо кооперациясини чуқурлаштириш истиқболлари жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида Олий давлатлараро кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик иттифоқ даражасига олиб чиқади.

Биз икки давлат раҳбарларининг геосийосий жиҳат ва энг му-



ҳими, давлатлараро муносабатлар архитектурасини шакллантириш борасидаги қарашлари тўлиқ мос келишини кўряпмиз.

Ишончим комилки, қисқа муддатда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг кенгайиши кенг қўламли шакллarga эга бўлади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий дипломатия жадал мустаҳкамланиб, очик ва дўстона ташки сийосат юритиб, ҳамкорликни юқори босқичга олиб чиқаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи эса бунинг яққол тасдиғидир.

Месут Эмре КАРАКОСЕ,
«SASAM» стратегик тадқиқотлар маркази директори,
Туркия Буюк Миллат Мажлисининг эксперти:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги фаол ташки сийосати туфайли Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар стратегик шериклик даражасига чиқди ва йилдан-йилга жадал кенгайиб бормоқда.

Биз савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал ривожланиб бораётганини, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида мамлакатлар бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаётганини кўряпмиз.

Ўзбекистон Озарбайжон халқини қўллаб-қувватламоқда ва биринчилардан бўлиб озод қилинган ҳудуд аҳолиси учун мактаб қуриш ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга бу галги ташрифи икки давлат ўртасидаги фаол иқтисодий ҳамкорлик даврида амалга оширилди. Жумладан, сўнги йилларда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсишга эришди. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди. Жорий йилда Ўзбекистон томонидан келишувга эришилган,



Озарбайжонда ўзбек автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари бўйича лойиҳалар ижроси ҳам самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Икки давлат раҳбарларининг кўмаги туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ҳамда иқтисодиёти фаровонлиги йўлида икки мамлакат ишбилармон доиралари фаолияти самарадорлиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида ўтазилган, ҳамкорликнинг янги лойиҳалари ва савдо шартномаларининг мустаҳкам портфели шакллантирилган бизнес форуми якуналари мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТДАГИ ЯНГИ ДОИМИЙ ВАКИЛИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)даги доимий вакили Улуғбек Лапасов тошкитот Бош қотиби Антониу Гутерришга ишонч ёрликларини топширди.



Бош қотиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кўп қиррали ислохотларни юксак баҳолаб, ўзгаришларни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда БМТ Ўзбекистонга зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини тасдиқлади.

Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Томонлар, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини ҳамда БМТ орқали бўлажак олий даражадаги қўшма тадбирлар жадвалини муҳокама қилдилар.

Эслатиб ўтамиз, тайинловга қадар Улуғбек Лапасов Ўзбекистоннинг БМТ ваколатхонаси ва Женевадаги (Швейцария) бошқа халқаро

ташкilotларнинг доимий вакили лавозимида ишлаган. У Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, шунингдек, бир қатор хорижий университетлар дастуридан таълим олган. Ташкилотнинг юксак баҳолаб, ўзгаришларни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда БМТ Ўзбекистонга зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини тасдиқлади.

Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Томонлар, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини ҳамда БМТ орқали бўлажак олий даражадаги қўшма тадбирлар жадвалини муҳокама қилдилар.

Эслатиб ўтамиз, тайинловга қадар Улуғбек Лапасов Ўзбекистоннинг БМТ ваколатхонаси ва Женевадаги (Швейцария) бошқа халқаро таъкидлади.



Маданий алоқалар

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ БЕРЛИНЛИКЛАР ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТДИ

Шу йилнинг 17 – 22 август кунлари Германия пойтахти Берлин шаҳрининг таниқли «Konzerthaus Berlin» музыка саройида «Young Euro Classic» номли халқаро мумтоз музыка фестивали ҳафталиги бўлиб ўтди.

Мумтоз музыка санъати ихлосмандлари орасида ушбу фестивалнинг мактаби жуда юқори бўлиб, унда АКШ, Куба, Греция, Нидерландия, Грузия, Франция, Эстония, Руминия, Украина ва бошқа мамлакатлардан келган ёшлар оркестрлари иштирок этади.

нидан гулдурас қарсақлар билан муносиб олқишланди.

Ўзбекистонлик ёш иқтисоддорли санъат усталари ижро қилган маданий дастур, айниқса, машҳур ўзбек пианиночиси Элеонора Котлибулатованинг ижроси жаҳон музыка олами вакил-



Ватанимиз тарихида илк бор ушбу нуфузли халқаро маданий тадбирда Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри ҳам муваффақиятли қатнашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Уринбоев бошчилигидаги мазкур оркестр жамоасининг Мустафо Бафоев, Фредерик Шопен, Сергей Рахманинов, Иван Фишер, Амер Жафар каби таниқли композиторлар асарларини моҳирона ижро этиши мукаммал таърифга эришди.

«Дунё» АА.

Фариза ШОМ,
Малайзия Ислом цивилизацияси институти директори:

— Дарҳақиқат, сўнги йилларда халқларини умумий дин, маънавий қадриятлар, ўхшаш анъаналар, тил ва маданият чамбарчас боғлаб турган Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар энг юқори даражага кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи ва Бокуда ўтказилган музокаралар якуналари бўйича икки давлат ўртасида Олий давлатлараро кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзолангани кўп қиррали муносабатлар энг юқори даражага кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи ва Бокуда ўтказилган музокаралар якуналари бўйича икки давлат ўртасида Олий давлатлараро кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзолангани кўп қиррали муносабатлар энг юқори даражага кўтарилди.



ҳасида қўшма дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Маданият ва кино кунлари, ижодий ва илмий зиёлилар, ёшлар ташкилотлари учрашувларини ўтказиш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Ушбу давлат ташрифи, муносабатларнинг янада мустаҳкамлашга муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистон — Озарбайжон кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга янги суръат бағишлайди.

Денис БЕРДАКОВ,
Қирғизистонлик сийосатшунос, «Бердаков Online» канали муаллифи:

— Ташриф Шавкат Мирзиёевнинг сўнги йилларда Ўзбекистонни савдо ва логистика марказига айлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш сийосатига мос келади.

Бу, албатта, мамлакатнинг Қирғизистон орқали Хитойга, Шимолий Туркманистондан Россияга, Туркманистон ва Озарбайжон орқали Туркияга, шунингдек, Афғонистон ёки Туркманистон орқали Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга чиқишидир.

Мазкур тўрт йўналиш саноатлашган, аммо ишчи кучи кўп бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг калитидир.

Ўзбекистоннинг сийосати ўзаро манфаатли савдо ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, ушбу транспорт йўлақларини ишга тушириш орқали Марказий Осиёни ислоҳ қилишга қаратилган. Бундан ташқари, расмий Тошкентнинг саъй-ҳаракатлари Марказий Осиёнинг озиқ-овқат, гуманитар, техник, молиявий ва бошқа соҳалар-



да гуллаб-яшнашини таъминлашга йўналтирилган.

Шу боис Озарбайжонга давлат ташрифи сўнги 5-6 йил ичида амалга оширилган юқори даражадаги хорижий сафарлар каторида мантиқий ва ўз вақтида бўлиб ўтди.

Логистика соҳасидаги қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини миллиларга етказиш салоҳияти мавжуд. Автомобиль саноати истиқболли ҳамкорлик со-

ҳаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иккала давлат ҳам автомобилсозликни сақлаб қолди ва ривожлантирди. Ўзбекистонда ушбу соҳа юксалиб бормоқда. Республика Америка, Хитой ва Жанубий Корея брендларининг асосий дилери ҳисобланади.

Уйлайманки, Ўзбекистон раҳбарининг Озарбайжонга давлат ташрифи ниҳоятда муваффақиятли бўлди, муҳим битимлар, хусусан, Ўзбекистондан Туркманистон орқали Озарбайжон ва Туркияга ўтувчи Янги Ипак йўлининг кичик тармоқини яратиш бўйича келишув имзоланди.

Бу Ўзбекистон учун Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси қурилишининг эрта бошланиши ва ушбу транспорт линияси ўзаро манфаатли, тежамкор ва ўзаро фойдали ҳамда сармоя киритишга арзийдиган лойиҳа эканлигини исботлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

«Дунё» АА.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида 1995 йил 2 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса-да, тарихи, дини ва маданияти, имлози муштарак бўлган озар ва ўзбек халқлари ўртасида қадимдан анъанавий дўстлик ва қардошлик ришталари мавжуд.

Фикр

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ва Қўшилмаслик ҳаракати доирасида ақиндан ҳамкорлик қилаётгани баробарида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди. Озарбайжонда Ўзбекистон автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани самарали ҳамкорликка мисол бўла олади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капитални иштирокидаги 203 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий йўналишлари савдо, машинасозлик, металлургия, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа тармоқларда савдо кооперациясини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сийосий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда

Илҳом Алиевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки томонлама алоқаларни бутунлай янги босқичга кўтарувчи ушбу ташрифни стратегик шерикликнинг мустаҳкамлаш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам, дейиш мумкин.

Ташриф доирасида энергетика, машинасозлик, металлургия, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа тармоқларда савдо кооперациясини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сийосий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда

ривожлантириш масалалари таҳлил этилди.

Таъкидлаш керакки, давлатларнинг ўртасида бугунга қадар имзоланган кўплаб ҳужжатлар, жумладан, Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси уни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Қолаверса, парламентлараро алоқалар изчил ривожланиб, парламент вакиллари Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтаётган Президент ва парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида мунтазам иштирок этиб келаётди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги азалий дўстона муносабат бугунги кунда деярли барча соҳада изчил ўсаяпти. Президентимизнинг ушбу мамлакатга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Муқаддас ҲАМРАХИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Дунё» АА.

